

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРАЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Қодирова Диловар Раҳматовна

**ШАШМАҚОМ ЧОЛҒУ ЙЎЛЛАРИ:
НОТА ЁЗУВИ ВА ИЖРОЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИ**

5A210202 — мусиқашунослик мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун
магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: санъатшунослик фанлари
номзоди, профессор Р.Ю.Юнусов

Тошкент — 2006

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Шашмақом нота ёзувлари тарихидан	
§1. Тарихий маълумотлар	8
§2. В.А.Успенский тажрибасидан	13
§3. XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган ишлар	24
II боб. Мақом чолғу ижрочилиги анъаналари	
§1. Ижрочилик тарихи саҳифаларидан.....	32
§2. Мақом ижрочилигининг 1960 йилларига қадар ривож.....	36
§3. 1960 – 90 йиллар мақом чолғу ижрочилиги.....	40
Хулоса	63
Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати.....	68

КИРИШ

Ўзбек мумтоз мусиқасининг сарчашмаларидан бўлмиш Шашмақом буюк бастакорлар, хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишлари, ютуқ ва тажрибалари асосида бунёдга келди. Шу кунга қадар унинг кўҳна анъаналари шарт – шароитлардан қатъи назар, эъзозланди, ривожланди ва бойиб борди.

Маълумки, Ўзбекистонда давлат мустақиллиги шарофати билан маънавият ва санъат соҳаларида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўтган қарийб ўн беш йиллик давомида миллий анъанавий мусиқа ижрочилигида, бастакорларимиз ижодий фаолиятида туб ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг яна бир далилини мусиқашуносларимиз, қолаверса созанда ва хонанда муаллимларимиз томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, монография ва бошқа адабиётларда ҳам кўриш мумкин.

Бинобарин, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали 1997 йилдан бошлаб кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, 2003 йилда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” тўртинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тадбир иштирокчилари ва меҳмонларига табрик сўзини йўллаб, ҳозирда долзарб бўлган масалаларга эътиборни тортди: “Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддаткор тараққиёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчакларида ёвуз кучлар ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзида ҳаётни асраш, одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват

этишда маданият ва санъат, хусусан, муסיқа дунёсининг таъсири беқиёс экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман".¹

ЮНЕСКО ташаббуси билан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Эликқалъа, Хива, Урганч, Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида ўтказилиши анъана тусини олган "Шашмақом сабоқлари" илмий – амалий машғулотлар ҳамда, ушбу йиғилишлардаги муסיқачиларимизнинг маъруза ва мақолалари тўплам сифатида нашр қилиниши яна бир ҳайрли ишларнинг давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, юридик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхўжаев муסיқа меросимизни асраб – авайлаш, уни тарғибот – ташвиқот ишларини янада ривожлантириш масалаларини қуйидаги сўзлар орқали изҳор этади: «Жаҳон муסיқа меросининг улкан хазинаси ҳисобланган Шашмақомнинг ЮНЕСКО томонидан «Жаҳон маданиятининг бебаҳо дурдонаси» деб эътироф этилиши катта тарихий воқеа. Бу биз учун шарафли ва айни чоғда жуда масъулиятли ифтихор ҳамдир. Ўз навбатида, ота – боболаримиздан қолган мўътабар муסיқий меросни нафақат асраб – авайлаш, балки янги илҳом ва ижодий завқ билан келаси авлодларга тортиқ қилиш эса бизнинг муқаддас бурчимиздир».²

Дарҳақиқат, "...миллий муסיқа санъатимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб анъаналарга эга бўлгани ҳолда, замона зайли билан янги – янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан янада бойиб бормоқда", – деб ёзади Р.Ю.Юнусов. – Демакки, асрлар оша бизгача етиб келган ардоқли навобахш меросимиз қатори бир неча авлод ижодкорларининг кўркам муסיқий анъаналари

¹ "Халқ сўзи" газетаси. 2003 йил, 26 август, 173 (3285) сон.

² Шашмақом сабоқлари. (мақола ва маърузаларнинг иккинчи тўплами). Тошкент, 2005 й., 5 бет.

маданий – маънавий мулкимизга айланди”,³ – деб фикрини яқунлайди муаллиф.

Сўнги йилларда нашр эттирилган кўплаб мақолаларда муסיқа соҳасида рўй бераётган воқеликлар, унутилиб кетаётган удумларнинг тикланиши, композиторларимизнинг янги ижодий муваффақиятлари, бастакорлик ижодиёти ва анъанавий ижрочиликнинг ривожланиши, атоқли бастакор ва композиторлар, қолаверса, замондош санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган бир қатор масалалар дарслик ва тўпламларда жой олган.

Дарҳақиқат, муסיқий меросимизнинг энг салобатли, энг сермаҳсул ва энг ардоқли қисмини мақом намуналари ташкил этади. Унинг таркибига турли даврларда бастакорлар томонидан ижод этилган ҳар – хил ҳажмли, туркумли ва алоҳида – алоҳида, шаклан ва мазмунан мукаммал чолғу ҳамда айтим асарлари кирган.

Манбалардан маълумки, мақомларимиз асосан “устоз – шогирд” анъанасига таянган ҳолда оғиздан – оғизга ўтиб, ХХ аср бошларига қадар етиб келган. Сарой мақом ансамбли таркибида эса иккита танбур, битта дутор, битта қўбиз, гижжак ёки сато, доира ва бир неча жўрхон ҳофизлар бўлишган. Шунингдек, анъанавий ансамблларнинг маҳаллий турлари ҳам шаклланиши маълум. Хусусан, Бухоро анъанасида танбур, най ва доира, Хоразмда дутор, буламон, гижжак ва доира, Фарғона – Тошкент услубида эса кўпроқ дутор ва танбур жўрсозлиги жорий бўлган.

Ҳозирги кунга келиб республикамизда мақом ансамбли ижрочилиги анъаналари янги шаклларда ўз ҳаётини давом эттирмоқда. Чунончи, республикада етакчи ижодий жамоа бўлган

³ Равшан Юнусов. Истиқлол мафкураси ва муסיқий жараён. //Муסיқа ижодиёти масалалари. Мақолалар тўплами, II. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2002 й.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошида бўлган Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли ушбу мумтоз ижрочиликда муҳим ўринга эга танбур ва дойра чолғулари мавқеини сақлаган ҳолда яна уд ва қонун каби созлардан (ғижжак, най, қўшнай, чанг, рубоб қаторида) кенг фойдаланиб келмоқда. Ансамбл репертуаридан асосий ўрин олган Шашмақом туркуми ва Фарғона – Тошкент мақом йўлларини ижро этишда устоз санъаткорлар Юнус Ражабий ва Фахриддин Содиқовлардан мерос қолган бадиий анъаналар ижодий давом эттирилмоқда.

Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона – Тошкент мақом йўллари илғор ижрочилик анъаналарини намоён этиш – пойтахтимизда ҳар тўрт йилда бир мартаба мунтазам равишда ўтказилаётган мақом ижрочиларининг Ю.Ражабий номидаги Республика танловларида муҳим тус олмоқда.⁴

Ушбу магистрлик диссертациянинг мавзуси, назаримизда, илмий аҳамиятга молик масалалардан бири – Шашмақом чолғу йўлларининг нота ёзувлари ҳамда ижрочилик анъаналарини мушггаракликда ўрганишга қаратилган. Шунга асосан у кириш, иккита асосий боб, хулоса, фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда Шашмақом мавжуд нота ёзувлари юзасидан маълумотлар берилган бўлиб, у ўз навбатида учта таркибий бандга ажратилган: "Тарихий маълумотлар", "В.А.Успенский тажрибасидан", "XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган ишлар".

"Мақом чолғу ижрочилиги анъаналари" деб аталган иккинчи боб ҳам кичик бандларга ажратилган. "Ижрочилик тарихи

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ф.Кароматли, О.Иброҳимов, Р.Юнусов. Мумтоз анъанавий касбий мусиқа. //Ўзбекистон санъати (1991 – 2001 йиллар). Тошкент, 2001 йил, 112 – 118 бетлар.

саҳифаларидан" номли биринчисида Шашмақом чолғу йўлларининг тарихий анъаналари, Абдурауф Фитратнинг "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" номли рисоласидаги Шашмақом тарихига, ижрочилик анъаналари, чолғулар, шунингдек, жўрнавозлик анъаналари борасида келтирилган муҳим ва қимматли маълумотлар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилади.

Иккинчи фасл "Мақом ижрочилигининг 1960 йилларига қадар ривож" деб номланган бўлиб, бу фаслда мазкур даврда амалга оширилган ишлар, хусусан, Ю.Ражабий томонидан ташкил этилган Мақом ансамблининг ижодий ишлари тўғрисида сўз юритилади. Сўнги, "1960–90 йиллар мақом чолғу ижрочилиги" номли фаслда мақом чолғу ижрочилигининг мазкур йиллар оралиғидаги аҳволи, ютуқ ва камчиликлари муайян даражада ёритиб беришга ҳаракат қилинган.